



УЎТ: 635.792+632.74

ПОМИДОРДА ҒЎЗА ТУНЛАМИГА ҚАРШИ БРАКОН ПАРАЗИТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*Тошкент давлат аграр университети Ўсимликларни ҳимояси ва карантини
кафедраси, қ.ф.ф.д., Ташпулатов Уйғун Бекмурзаевич*

Аннотация. Ушбу мақолада помидор экини зараркундаси бўлган ғўза тунламининг зарари ва унга қарши атроф-муҳитга безарар бўлган бракон энтомофагининг самарадорлиги ўрганилган.

Аннотация. В статье рассмотрен ущерб, наносимый хлопковой совкой вредителем посевов томата, и эффективность против него экологически чистого энтомофага бракон.

Abstract. The article examines the damage caused by the cotton bollworm, a pest of tomato crops, and the effectiveness of the environmentally friendly entomophage bracon against it.

Калит сўзлар. Помидор, зараркунанда, ғўза тунлами, бракон, лаборатория.

Ключевые слова. Помидор, вредитель, хлопковый совка, бракон, лаборатория.

Keywords. Tomato, pest, bollworm, bracon laboratory.

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш муҳим ўрин эгаллайди. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш кўп жиҳатдан илмий асосланган агротехнологияларни ўз вақтида олиб боришга боғлиқ. Айниқса, зараркунанда ва касалликларга қарши ўз вақтида кураш чораларини олиб бормаса, сабзавот экинларида 65 % гача, ғалла ва ғўзада 60% гача, мевали боғларда эса 70% гача нобуд бўлишига олиб келади.

Шу сабаб зараркунанда ва касалликларни олдиндан аниқлаш ва уларга қарши ўз вақтида самарали кураш чораларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

2014 -2019 йиллар давомида олиб борган кузатувларимиз натижасига кўра сабзавот экинлари агробиоценозида 4 синф, 11 туркум, 22 оилага мансуб 58 тур зараркунандалар зарар етказиши аниқланди. Буларнинг ичида асосий ва кўп зарар



келтирувчи зараркунандалар сифатида ўргимчакканалар, тунламлар ва шираларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Ўрганилган илмий адабиётларда келтирилишича ғўза тунлами (*Helicoverpa armigera* Hb) куртлари табиатда энтомофаглар билан кўп зарарланади. Бироқ унга қарши биологик усулда кураш тизими барча сабзавот экинлари экилган майдонларда тўлиқ қўлланилмайди. Шунинг учун биз асосий зараркунандалардан бири бўлган ғўза тунлами куртларига қарши экологик хавфсиз биологик усулни қўллаш устида бир қатор тадқиқотлар олиб бордик.

Бу мақсадда, 2014 йили лаборатория шароитида 3 литрли шиша банкаларга ғўза тунлами куртларини 30 донадан помидор барглари ва саватчалари билан бирга жойлаштириб турли нисбатларда (зараркуанда: энтомофаг 1:10 ва 1:15) бракон кушандасининг урғочи зоти қўйиб юборилди.

Лабораторияда ўтказилган кузатувларимиздан бракон кушандаси ғўза тунлами куртларини зарарлаши ва куртларга нисбатан паразит 1:10 нисбатда қўлланилганда тажрибанинг 5 - кунига келиб 100 % самара бериши маълум бўлди, иккинчи вариантимида эса бу кўрсаткич тажрибанинг 7 - кунига келиб 93,3% га етганлиги аниқланди.

Кейинги 2015-йили тажрибалар дала шароитида олиб борилди. Бунда аввал тажриба даласидаги ғўза тунлами куртларининг 100 ўсимликдаги ўртача сони аниқланди ва куртларга нисбатан бракон паразити (зараркуанда: энтомофаг 1:10 ва 1:15 нисбатларда) тарқатиб чиқилди (1-жадвал).

Тажриба вариантларида ҳар 3; 7 ва 10 - кунларда ғўза тунлами куртининг зичлиги назорат қилинди ва 100 дона ўсимлик учун ўртача сони ҳисобланиб биологик самарадорлиги аниқланди. Дала шароитида ўтказилган тажрибаларимизда биологик самарадорлик лабораториядаги тажрибаларимиздан олинган биологик самарадорликка нисбатан пастроқ бўлди. Дала шароитидаги тажрибаларимизнинг биринчи вариантыда энг юқори самарадорлик 10 - кунга келиб 64,0% ни ташкил қилган бўлса, иккинчи вариантда бу кўрсаткич 48,2% ни ташкил қилди.

1-жадвал

Лаборатория шароитида бракон кушандасининг ғўза тунлами куртларига қарши биологик самарадорлиги



(ЎХҚИТИ лабораторияси, 2014 й.)

Вариантлар	Тажриба-даги куртлар сони	Зарарланган куртлар сони кунлар бўйича, дон				Самарадорлик, % кунлар бўйича			
		2	4	5	7	2	4	5	7
Назорат	30	30	30	28	27	-	-	-	-
Бракон 1:10 нисбатда тарқатилди	30	18	26	30	-	60,0	86,7	100,0	-
Бракон 1:15 нисбатда тарқатилди	30	16	22	24	28	53,3	73,3	80,0	93,3

Ўза тунлами куртларига қарши қўлланилган биологик усулнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида олиб борган ҳисоб китоб ишларимизга кўра бу зараркунанда куртларига қарши биринчи вариантда бракон паразити 1:10 нисбатда қўлланилганда назоратга нисбатан 18 ц/га, иккинчи вариантда 1:15 нисбатда тарқатилганда эса 14 ц/га қўшимча ҳосил сақлаб қолинди (2-жадвал).

2-жадвал

Бракон паразитининг ўза тунлами куртларига қарши биологик самарадорлиги

(Тошкент вилояти, Қибрай тумани, кичик дала тажриба, 2015 й.)

Вариантлар	100 та ўсимликдаги ўртача курт сони, дон				Самарадорлик, %		
	Тажриба ўтказишдан олдин	Тажриба қўйилган кундан кейинги кунлар					
		3	7	10	3	7	10
Назорат	29,3	34,0	19,3	18,0	-	-	-
Бракон 1:10 нисбатда тарқатилди	30,3	18,3	8,7	6,7	47,9	56,4	64,0
Бракон 1:15 нисбатда тарқатилди	28,3	18,7	10,7	9,0	43,1	42,6	48,2
ЭКФ ₀₅ =					1,89		

Изоҳ: Бу жадвалда бракон паразити фақат бир марта қўлланилганда биологик самарадорлик келтирилган.

3-жадвал

Ўза тунлами куртларига қарши бракон паразити қўлланилганда сақлаб қолинган ҳосил

(Тошкент вилояти, Қибрай тумани, кичик дала тажриба, 2015 й.)

Вариантлар	Ҳосил, ц/га	Назоратга нисбатан фарқ	
		ц	%
Назорат	45	-	-



Бракон кушандасини нисбатда тарқатиш	1:10	63	18	12,5
Бракон кушандасини нисбатда тарқатиш	1:15	59	14	10,6

Ўтказилган тадқиқотларимиздан шуни хулоса қилиш мумкинки, ғўза тунлами куртларига қарши бракон паразитини қўллаш натижасида кутилган биологик самара олиш билан бирга экологик тоза маҳсулот етиштиришга имкон яратади. Помидор экинларидаги ғўза тунламига қарши бракон паразитини 1:10 нисбатда қўлланилганда 64,0 % гача биологик самарадорликка эришилади ва ҳар гектаридан 18 центнергача ҳосилни сақлаб қолиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адашкевич Б. П., Рашидов М. И. Хлопковая совка и ее энтомофаги на томатах в Узбекистане. Биологический метод борьбы с вредителями овощных культур. - Москва, 1989. - С.133-143.
2. Арсланов М.Т., Сагдуллаев А.У., Ҳалилов Қ. Қишлоқ хўжалик экинларини биологик ҳимоя қилиш. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. дав.ил.наш. – Тошкент, 2010. – 89 б.
3. Рашидов М.И. Биологические основы интегрированной защиты посленовых культур от вредителей: Автореф. дисс. док. биол.наук.-Ташкент, 2000. – 47 с.
4. Рашидов М.И. Интегрированная защита посленовых овощных культур от вредителей. Монография. - Ташкен, 2008.- С.22.